

ИЯСИ ТАРИХ ИНС

ҚУМАДАЛИ АСҚ



ТОШКЕНТ «МАЪНАВИ» 2001

Ушбу рисолада Ўзбекистон ҳудудида археологик манбалар асосида биринчи бор ўрганилган энг қадимги шаҳар — Жарқўтон ҳақида сўз боради. Жарқўтон ёдгорлиги Сурхондарё вилоятининг Шеробод туманида Бўстонсой соҳилларида бундан уч ярим-тўрт минг йил аввал қад кўтарган ноёб обида бўлиб, унда 1973 йилдан ҳозиргача кенг кўламли археологик изланишлар олиб борилди.

Қадимги Шарқ цивилизацияси шаҳарлари туркумига кирган бу шаҳар харобасидан шаҳар ҳукмдорининг монументал шоҳона сарой қолдиқлари, юксак даражада ривожланган кўп тармоқли ҳунармандчилик объектлари ҳамда зардуштийлик дини ва Авесто ватани таркибига Ўзбекистон ҳудудлари ҳам кирганлигидан гувоҳлик берувчи маҳобатли монументал бино — оташ-парастлар ибодатхонаси топилган.

Ушбу рисолада ана шу ноёб топилмалар ҳақида ҳикоя қилинади.

А 86

Асқаров, Аҳмадали.

Энг қадимий шаҳар. — Т.: «Маънавият», 2001. — 24 б.

Сарлавҳада: Ўзбекистон Республикаси ФА тарих институти.

ББК 63.4 (5У—2)

А 4702629204-14
М 25(84)-01

© «Маънавият», 2001

Ислом Каримовнинг «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» номли асарида уқтириб ўтилган Она Ватанимиз тарихининг ўта долзарб муаммолари қаторида «Ўзбек давлатчилиги тарихи» масаласи алоҳида аҳамиятлидир. Шу боис Ўзбекистон ҳудудида ташкил топган давлатчилик тарихининг илк босқичларини бирламчи манба — археологик материаллар асосида ёритишни лозим топдик.

Биз баён этмоқчи бўлган бирламчи манба Ўзбекистонда давлатчилик тарихининг 3500 йилдан кам эмаслиги ҳақида бой материаллар бермоқда. Бу ноёб манба Жарқўтон археологик обидаси бўлиб, бу кўҳна шаҳар харобаси бундан 3500 йил муқаддам Сурхондарё вилояти Шеробод тумани ҳудудидан ўтган Шеробод дарёсининг кўҳна ўзани Бўстонсой ёқасидадир. Унинг майдони 100 гектардан кам эмас. Шаҳар икки қисмдан иборат, яъни «Арки аъло» ва «Шаҳристон»дан иборат. Арки аълода шаҳар ҳокимининг қароргоҳи — ҳукмдор саройи жойлашган. Арки аълонинг умумий майдони 3 гектардан кам эмас. Унинг атрофи қалин мудофаа девори билан ўраб олинган. Арки аълога туташган ҳолда, унинг шарқий ва жанубий томонида, бу қадимги шаҳарнинг асосий аҳолиси — деҳқон ва ҳунармандлар яшаган «шаҳристон» жойлашган.

Шаҳарнинг тарихий топографиясига кўра, шаҳристон майдонида деҳқон ва ҳунармандларнинг патриархал жамоа қўрғонларидан ташкил топган 20 га яқин аҳоли турар-жой массивлари бор. Уларнинг ҳар бири мустақкам мудофаа иншоотлари билан ўраб олинган. Аммо уларнинг барчасини яхлит ўраб олган мудофаа девори ҳали шаклланмаган.

Шаҳристондан жанубда, қадимги ариқ қолдиғининг орқа томонида, Бўстонсой жарлари бўйлаб, камида 20 гектар майдонни эгаллаган некраполь, яъни шаҳар қабристони жойлашган.

Аввало бу ноёб ёдгорликнинг очилиш тарихига назар ташлайлик. Унинг очилиши кутилмаган ҳолда рўй берди, яъни қадимги шаҳар маданиятининг яна бир нодир

обидаси — Сополлитепада (бу ёдгорлик Шеробод воҳа-сида Кухитанг дараларидан оқиб чиққан Уланбулоқ сой қуйи оқимида) ушбу сатрлар муаллифи томонидан археологик қазिशма ишлари якунланаётган кезларда Жарқўтон ҳақида хабар келди. Уша кезларда Ленинграддан В. М. Массон бошлиқ бир гуруҳ археологлар Сурхондарёнинг Ангор туманидаги антик давр обидаси Зартепада қазिशмалар олиб борар эди. Уша йили, 1973 йил июнь ойининг бошларида Зартепага В. М. Массон гуруҳининг ишлари билан танишгани келдим. Қутилмаганда археологлар жойлашган колхоз дала шийонида археолог Шокир Пидаев топиб келган сопол парчаларига кўзим тушди. Сопол парчаларини кўздан кечирар эканман, ушбу топилма бронза даврининг ноёб ёдгорлиги Сополлитепа материалларига ўхшашлигини эслаб, Ш. Пидаевни янги ноёб ёдгорлик билан табрик-ладим ва дарҳол янги объект билан танишиб келиш-ликни касбдошларимга таклиф этдим. Барча ташкилий ишларни ўз зиммамга олиб, Жарқўтонга йўл олдик.

Июннинг жазирама иссиғида ёдгорлик билан танишар эканмиз, қадимги кўҳна шаҳарни ҳозирги Гулистон жамоа хўжалиги томонидан бузилиб, экинзорга айлантирилган қисмида, сув ювиб кетган жар кесмасида очилиб қолган қабрни учратдик ва бу ёдгорликни бронза даврига тегишли эканлигига тўлиқ ишонч ҳосил қилдик.

Уша йилиёқ ёдгорликни ўрганиш ишлари бошланиб кетди. Биринчи навбатда, ёдгорлик жойлашган маскани нега Жарқўтон деб аталиши билан қизиқдик. Кексаларнинг гувоҳлик беришларига қараганда, 1950 йилларнинг бошларида шу жойда Бўстонсой жарликлари устида Гулистон жамоа хўжалигининг йирик шоҳли ҳайвонлари учун бир неча чорва қўтонлари барпо этилиб, шундан бошлаб атроф аҳоли бу жойни жарликлардаги қўтон, яъни жарқўтон деб атай бошлаган эканлар.

Кўп йиллик изланишлар давомида Жарқўтонни ҳақиқатда Ўзбекистон ҳудудидаги энг қадимги илк шаҳар эканлигини исботловчи жуда бой ашъвий далиллар топилдики, улар ҳақида ҳикоя қилишдан аввал Қадимги Шарқ шаҳарларининг шаклланиши учун зарур бўлган иқтисодий ва ижтимоий омиллар ҳақида эслатиб ўтишни жоиз топдик.

Тарихий таҳлил тақозосига кўра, ўтмиши узоқ, тарихи ва маданияти бой, ўтроқ халқнинг дастлабки давлатчилиги заминида шаҳарсозлик маданияти ётади. Бу

хулоса ер куррасида, биринчи бор энг қадимги давлатлар ташкил топган Қадимги Шарқ минтақалари мисолида илмий жиҳатдан исботланган.

Қадимги Шарқ цивилизациясининг илк бор ватани ҳисобланмиш Месопотамияда милоддан олдинги IV минг йилликнинг охири ва III минг йиллик давомида, яъни бундан 5—5,5 минг йил аввал Шумер, Лагаш, Суза каби шаҳарлар ташкил топган. Ана шу шаҳарлар базасида митти давлатлар шаклланиб, улар тарихда шаҳар-давлатлар номи билан машҳурдирлар.

Қадимги шаҳар-давлатларнинг ташкил топишида ўтроқ аҳолининг деҳқончилик ва ҳунармандчилик хўжалиги асосий иқтисодий омил бўлиб, улар дастлаб атроф аҳоли жойларининг хўжалик маркази, туман, вилоят ёки маълум бир ўлканинг сиёсий, диний ва ўз-ўзини идора этувчи табақалашган жамоаларнинг ижтимоий бошқарув маркази, яъни илк давлати бўлган. Шаҳарларнинг ташкил топишида асосан аҳолининг ўтроқ хўжалик ҳаёти ва у билан боғлиқ яна уч омил мавжудлиги тарихан зарур ҳисобланади.

Биринчиси — қулай табиий шароит, яъни унумдор тупроқ, сув ва бошқа географик омиллар, иккинчиси ҳосилдор суғорма деҳқончилик ва уни таъминловчи агротехника. Булар шаҳарларнинг пайдо бўлишидаги иқтисодий омиллар ҳисобланади. Учинчиси, ана шу иқтисодий омиллар асосида вужудга келган табақалашган жамиятнинг диний, ҳарбий ва сиёсий жиҳатдан бошқарув тизими туғилишига шароит етилган бўлиши керак, яъни иқтисодий ҳаётда юз берган туб ўзгаришлар (деҳқончиликда сунъий суғориш системасининг кашф этилиши, дарёлардан магистрал каналлар орқали янги ерларга сув чиқариш, ерни ишлашда омов ва ҳайвон кучидан фойдаланиш, ҳунармандчиликнинг тўқимачилик соҳасида йиғирув ва тўқув дастгоҳининг кашф этилиши, кулолчиликда чархнинг ва мураккаб хумдоннинг кашф этилиши, металл эритиш ва қуйиш технологиясининг кашф этилиши, уй ҳайвонларидан транспортда фойдаланишга ўтиш, қурилишда режа асосида уй-жой ва монументал бинолар қуришга ўтиш, атроф-муҳит ҳақида тўпланган билимлар асосида астраномия, астрология, қуёш соати, календар, мураккаб ҳисоблаш системасини ихтиро этиш ва бошқалар) туфайли ижтимоий ҳаётда табақаланиш юз беради. Ана шу табақаланиш жараёни маълум нуқтага етгач, жамиятни бошқариш зарурияти туғилади. Бу ижтимоий омил эди. Қачонки

бу уч омил диалектик яхлитликда мавжуд бўлиши учун тарихий шароит туғилгандагина қадимги шаҳарлар ва улар базасида шаҳар-давлатлар пайдо бўлади.

Қадимги Шарқ шаҳарлари-чи? Улар эрта ташкил топиши учун мана шу уч омил Урта Осиёда, жумладан Ўзбекистон ҳудудида бормиди деган савол туғилади. Қўлимиздаги мавжуд ашёвий далилларга кўра, бу саволга ижобий жавоб бериш мумкин.

Одатда, жаҳон фанида қабул қилинган илмий ишланмага кура, бир аҳоли яшаш жойини шаҳар деб аташ учун қатор омилларнинг етилиши талаб этилади. Улар қуйидагилар: территорияси 5—6 га ва ундан кам бўлмаган майдонда аҳолининг зич жойлашган бўлиши, аҳоли жойлашган майдоннинг чор атрофи қалин мудофаа деворлари билан ўраб олинган бўлиши, шаҳар юқори табақа ва ҳокимларининг турар жойлари оддий фуқаролар турар-жой массивларидан ажраб туриши, шаҳар ҳокимининг баланд пойдевор (платформа) устига қурилган монументал қасри, яъни шаҳар ўрдаси сулиши, шаҳар майдонида, яъни шаҳристонда шаҳар аҳолисининг барча қатламлари учун хизмат қилувчи муқаддас диний марказ — маҳобатли ибодатхона мажмуи ташкил топган бўлиши, шаҳар иқтисодий асосини кўп тармоқли ҳунармандчилик ва савдо-сотиқ ташкил этган бўлиши, шаҳар рамзи ва белгиси ҳисобланмиш шаҳар муҳри ва туғросининг мавжудлиги ва бошқалар.

Ўзбекистон ҳудудида ўрганилган қатор ёдгорликлар жумласига кирувчи Сурхондарё вилояти Шеробод тумани Э. Бердиев номли жамоа ҳужалигида жойлашган Жарқўтон ёдгорлиги ана шу талабларнинг барчасига жавоб берувчи энг қадимги ва ягона шаҳар қолдиги ҳисобланар эди.

Юқорида таъкидлаганимиздек, Жарқўтонда 1973 йилдан то ҳозиргача археологик қазишма ишлари давом этмоқда. Шу давр ичида майдони 100 гектардан кам бўлмаган бу қадимги шаҳар икки қисмдан— «арки аъло» (шаҳар ўрдаси) ва «шаҳристон»дан иборат эканлиги, унинг «шаҳристон» қисмидан бир неча турар-жой массивлари, турли тармоқли шаҳар ҳунармандчилигининг объектлари, оташпарастилар ибодатхонаси, арк майдонидан эса шаҳар ҳокимининг маҳобатли сарой комплекси, металл эритиш печлари ва бошқалар топиб ўрганилди. Узоқ йиллар давомида мунтазам олиб борилган археологик қазишмалар жараёнида малакали даражада юксак ривожланган кулолчилик ва бронза металлур-

ғийси ишлаб чиқариш корхоналари, заргарлик ва меҳнат қуроллари ишлаб чиқариш устахоналари, пахта ва ипак маҳсулотлари ҳам ашёсига асосланган тўқимачилик мануфактураларининг ашёвий далил ва қолдиқлари топиб ўрганилди.

Жарқўтон ҳудудида олиб борилган кенг кўламли изланишлар унинг санасини аниқлаш ва ушбу масканда юз берган тарихий жараённи бир неча босқичларга бўлиб ўрганиш имкониятини берди. Шунга кўра, Жарқўтондаги қадимги шаҳар ҳаёти уч босқичга, яъни Жарқўтон (милоддан аввалги 1500—1350 йиллар), кўзали (мил. ав. 1350—1200 йиллар) ва мўлали (мил. ав. 1200—1000 йиллар) босқичларига бўлинди. Кейинроқ, Жарқўтоннинг қарама-қаршисида, Бўстонсойнинг ўнг соҳилида ўрганилган ёдгорликлар муносабати билан мўлали босқичини икки фазага, яъни мўлали (мил. ав. 1200—1000 йиллар) ва бўстон (мил. ав. 1000—900 йиллар) фазаларига бўлиб ўрганиш имконияти туғилди. Шундай қилиб, Жарқўтон ёдгорлиги мисолида Ўзбекистон ҳудудида умумий майдони 100 гектардан кам бўлмаган энг қадимги шаҳар — давлат тарихи ўрганилди.

Жарқўтон ҳудудий жиҳатдан нафақат Урта Осиёда, балки Урта Шарқ минтақасида ўрганилган бронза даврининг энг йирик қадимги шаҳар харобаси эди. У Термиз шаҳридан 60 км чамаси шимолда, Шеробод дарёсининг қадимда Амударёгача суви бориб етган, ҳозирда эса сувсиз тўқайзорга айланган Бўстонсой ёқасига жойлашган. Сув оқимиغا кўра, дастлаб Бўстонсойнинг чап соҳили ўзлаштирилган. Бу жойда тураржой массивлари ва улар базасида шаклланган кўп тармоқли аҳли ҳунар хўжаликлари қад кўтарган. Бўстонсой соҳилида жойлашган бу шаҳар шимол ва ғарбдан сой билан чегараланган, шарқдан эса унинг ҳудудий чегараларини белгиловчи бирор аниқ чизиқ кузатилмади. Унинг шарқий чегарасини пахта майдонида тупроққа қоришиб ётган сопол парчалари ва тошдан ишланган меҳнат қуроллари сочилиб ётишидан билиш мумкин холос.

АРКИ АЪЛО

Ёдгорликнинг ҳозиргача нисбатан бузилмай сақланиб қолган шимолий қисмида умумий майдони 3 гектарни ташкил этган Арки аъло жойлашган. У сомон қўшилган ҳам ғиштдан ишланган қалин мудофаа девори билан

ўраб олинган. Деворнинг қалинлиги 3 метр, унинг му- дофаа қудратини ошириш учун маълум масофада у квадрат шаклда қурилган буржлар билан мустаҳкам- ланган. Уз даврида баландлиги 5—6 метрдан кам бўл- маган бу мудофаа иншоотининг бизгача сақланган қисм- лари ҳозир 1 метрдан ошмайди.

Аркнинг микрорельефига кўра, унинг пасайиб бор- ган ички қисмида баланд-пастликлар кўзга ташланади. Арк майдонига солинган шурфларнинг натижасига қа- раганда дўнгликлар турар-жой массивлари, пастлик- лар эса кўча ёки ўзлаштирилмаган участкалар бўлиб чиқмоқда. Аркка кириш дарвозаси унинг жанубида бў- либ, ундан арк марказий қисмига томон кетган паст- лик, яъни кўча кузатилади. Арк дарвозасидан бошлан- ган йўл аслида марказий йўл бўлиб, у тахминан 25— 30 метр масофада ғарбга томон бурилган, худди ўша жойдан пастлик — йўлнинг шарққа томон кетган иккин- чи тармоғи кузатилади. Ғарбга томон кетган биринчи йўл аркнинг жануби-ғарбига борганда баланд дўн- гликка бориб тақалади. Ана шу дўнглик қазилганда, у жойдан сомонли хомғишдан қурилган монументал бино қолдиғи топилди. У квадрат шаклда бўлиб 42x42 м тарзидадир. Бино ташқи деворининг қалинлиги 4 м. Девор ташқи томондан 13 та квадрат шаклда қад кў- тарган мудофаа буржлари билан мустаҳкамланган. Бинога кириш дарвозаси унинг жанубий деворининг қоқ ўртасига, иккита бурж оралиғида жойлашган.

Юқорида таъкидланган марказий йўлдан ғарбга то- мон кетган йўл монументал бино дарвозасига келиб тўхтаган. Шоҳона қаср сифатида Арки аълода қад кў- тарган бу иншоот аслида шаҳар ҳукмдорининг саройи бўлса ажаб эмас. Чунки Арк майдонида очилган 3 та турар-жой массивлари орасида бу бино ўзининг маҳо- батли кўриниши билан бошқалардан тубдан ажралиб туради.

Ҳукмдор қасри ичидаги хоналар жуда оддий, улар ташқи девор ости бўйлаб жойлаштирилган. Саройнинг ўрта қисмида эса яқин 20 квадрат метр жойни эгалла- ган супа борлиги аниқланди. Тарих тақозосига кўра, монументал бино ҳовлисида супанинг бўлиши ушбу са- рой шаҳар ҳукмдорининг қароргоҳи эканлигидан да- лолат берар эди.

Марказий йўлдан шарққа томон кетган йўл бошқа бир дўнгликка бориб туташади. У жойда ҳам қазिश ишлари олиб борилганда жез (бронза) ишлаб чиқариш

билан боғлиқ ҳунармандлар массиви очилди. Тўғри, Жарқўтонда ўтказилган 28 йиллик археологик илмий изланишлар жараёнида унинг турли жойларидан юзлаб бронзадан ишланган меҳнат ва ҳарбий қурооллар, зеби-зийнат безаклари, уруғ, жамоа тотемлари акс эттирилган муҳрлар, жамоа оқсоқоллари ва сардорларнинг ижтимоий нуфузидан далолат берувчи тамға ва туморлар топилганки, улар маҳаллий металл эритиш ва металлдан меҳнат қурооллари ва ҳарбий асбоб-анжомлар ишлаб чиқариш устахоналари бўлганлигидан гувоҳлик беради. Масалан, Жарқўтондан топилган шаҳар ибодатхонаси-ни қазиб вақтида, унинг хўжалик-хизмат қисмидан махсус чилангарлик устахонаси очилди. Устахонанинг шарқий девори остида кенглиги 70 см, узунлиги 2,5 м, баландлиги 1 м келадиган супа устида қурилган 5 та ўчоқ топилди. Ўчоқларнинг деворлари узоқ олов ҳароратида бўлганлигидан кўкимтир шлакка айланиб кетганлиги ва у жойдан металл эритиш қозонларининг парчалари топилганлиги учун бу ўчоқларни бронза хом ашёсини эритиш печлари деб атадик. Бундай печлар Жарқўтонда, унинг бир неча турар-жой массивларида ҳам учратилди. Бироқ, қутилмаганда, Арк майдонидан, юқоридагилардан тубдан фарқ қилувчи бутун бир металл эритиш пехи очилдики, бу ҳозиргача Урта Осиё археология тарихида учрамаган ноёб топилдиқдир.

«Металлургия заводи» деб атаётган жойдан бирига яқин қилиб қурилган 2 та икки ярусли доира-симон металл эритиш печлари очилди. Печларнинг ҳар иккаласини биринчи ярусга жойлаштирилган оловхонаси ва оловхоналардан уларнинг деворлари бўйлаб юқорига, иккинчи ярусга кўтарилган тарновсимон аланга йўллари ҳамда у аланга ўтказиш йўллари устига қурилган (яъни иккинчи ярусда) ўчоқлар сақланган. Биринчи печда унинг айланаси бўйлаб 7 та, иккинчи печда эса 5 та ўчоқ қолдиқлари топилди. Бу ўчоқларда тош кукунлари аралаштириб ясалган сопол қозон-тигелларда қалайга мисни аралаштириб, бронза метали олинган. Биринчи печ оловхонасининг чуқурлиги 2 м, кенглиги ҳам шунга яраша — 130x110 см; иккинчисиники — чуқурлиги 110 см. Ҳар иккала печнинг оловхоналарида камида 1 метр қалинликда кул қатлами сақланган. Оловхона деворлари ва ўчоқлар кучли ҳарорат туфайли кўкимтир шлакка айланиб кетган.

Ҳар иккала печларга бир вақтнинг ўзида бир жойда да туриб олов ёқиш мумкин. Чунки уларнинг оловхона

эшиклари печларнинг жануби-ғарбига, бир-бирларига яқин қилиб қурилган.

Энди печларнинг бизгача тўлиқ сақланмаган иккинчи яруси ҳақидаги кузатувимизга кўра, ўчоқлар жойлашган иккинчи яруснинг устки қисми аркасимон том билан ёпилган бўлиб, у хонада кучли ҳароратни сақлаб туришга хизмат этган. Аркасимон томнинг қоқ ўртасида махсус қурилган туйнукча бўлиб, олов ёниб турган пайтларда ҳосил бўлган тутунларни шу туйнукча орқали ташқарига чиқариб юборилган. Учоқлар аркасимон хона деворлари айланаси бўйлаб жойлашган бўлиб унинг орқа томонидан махсус қўйиб кетилган тешикчалардан қозон-тигелларни ташқарига чиқариб, ундаги металл эритмасини махсус қолипларга қуйишган. Кейин эса яна қозон-тигеллар ўз ўрнига қўйилиб, махсус тешиклар беркитилиб, металл эритиш давом эттирилаверган.

Печларни қозиш жараёнида топилган ашёвий далилларга қараганда, ҳар иккала печларда, бир вақтнинг ўзида 12 та қозон-тигелларда металл эритиш режалаштирилган. Учоқларнинг ҳажмига қараганда, печларнинг таг қисми 18—20 см атрофидаги қозон-тигелларда металл эритилган. Тахминий ҳисоб-китобларга кўра, печларда бир вақтнинг ўзида 25—30 кг атрофида соф бронза хом ашёсини олиш мумкин бўлган. Бу узоқ ўтмишимиздаги бобокалонларимизнинг ишлаб чиқариш имкониятларини ҳисобга олганда ибтидоий жамоачилик даври учун жуда катта ютуқдир. Бошқача айтганда, бу топилмани бронза даврининг металлургия заводи деса бўлади.

ШАҲРИСТОН

Жарқўтоннинг шаҳристон деб аталган қисми Арки аълодан жанубга томон чўзилиб кетган 15 га яқин тепаликлардан иборат. Ана шундай тепачалардан 4—5 таси аркнинг шимоли-шарқий томонида ҳам қад кўтарган. Ҳозиргача шулардан 6 тасида катта ва кичик ҳажмдаги қозишмалар ўтказилди. Бундан ташқари шаҳристон майдонида унинг навбатма-навбат ўзлаштирилиши билан боғлиқ бўлган тарихий жараёни ўрганиш учун 10 дан ортиқ жойларга шурфлар солинди. Маълум бўлишича, Жарқўтоннинг арк қисми, унга жанубий ва жануби-шарқий томонидан туташ майдонлар биринчи навбатда ўзлаштирилган. Айнан шу жойлардаги тепа-

ликлардан иккитасида, яъни 5- ва 6-тепада, олиб борилган кенг кўламли археологик қазишмалар ажойиб натижалар билан якунланди.

5-тепа туб маънодаги турар-жой массиви бўлиб чиқди. Ушбу массивнинг 3000 квадрат метр майдони тўлиқ очилди. Натижада 50 га яқин хоналар ва уларнинг поли остидан, аниқроғи ўчоқли хоналарнинг ўчоқ қаршисидан (х 31) бир неча хоналарнинг кириш эшиклари остонаси олдидан (х 13, 17, 18, 19, 23, 35, 39, 41, 43) ва айрим хоналарнинг деворлари остидан (1, 3, 11, 21, 22, 29, 44, 45) қабрлар очилди. Очилган майдоннинг турли жойларида солинган шурфларга қараганда, дастлаб унинг шимоли-ғарбий қисми ўзлаштирилган. Бу жойда очилган уйлар 1,5 метр қалинликдаги супа устига қурилган бўлиб, улар кўп хонали ҳовлилардан иборат бўлиб чиқди. Ҳар бир ҳовлида ўчоқларнинг жойлашишига қараганда камида икки-уч жуфт оила яшаган кўринади. Супа устига қурилган ҳовлилар дастлаб мудофаа девори билан ўраб олинган. Кейинроқ эса, девор ташқарисидаги бўш майдонлар ҳам секин-аста ўзлаштирила бошлаган.

Кенг супа устига қурилган уй-жой комплексларини қазиш жараёнида хоналарнинг биридан қабила оқсоқолининг қабри топилди. Қабр топилган хона тўрт хонали уйнинг энг каттаси бўлиб (майдони 39 кв. м), унинг ғарбий девори ичига мўрили ўчоқ жойлаштирилган. Хонага кириш эшиги унинг шимолий деворининг қоқ ўртасида, қудуқли хона орқали бўлган. Қудуқли хонадан, унинг жанубий девори бўйлаб, шарқ томонга кетган тор йўлакча орқали учинчи хонага ўтилган. Унинг жанубий деворига ёпиштириб меҳроб ўрнатилган. Меҳробли хонадан жанубга томон яна бир хона борлиги аниқланди. Унга кириш эшиги қабрли хонанинг шарқий деворининг жанубий бурчагида жойлашган. Ушбу тўрт хонали уй жануб ва шарқ томондан супа айланаси бўйлаб ўтган мудофаа деворига ёпиштириб қурилган. Унга кириш эса, унинг ғарбига жойлашган ҳовли ва қудуқли хона орқали бўлган.

Мана шу уй-жой комплексининг эгаси, унинг марказий хонасидаги ўчоқ рўпарасига, хона поли остига кўмилган шахс бўлиб, бу хонадонда муқаддас сув ва олов тимсолининг бўлиши у мана шу турар-жой массивининг сардори эканлигидан ҳам далолат беради. Қабрдан топилган ашъвий далиллар эса, унинг нафақат жамоа сардори эканлигини, балки ҳаётлик давридаги

касб-корини ҳам аниқлашга имкон берди. Хўш, сардор қабридан нималар топилди?

Исломга қадар аҳолининг мавжуд анъанавий урф-одат ва удумларига кўра, вафот этган кимса кафан билан эмас, балки унинг ҳаётлик чоғида киядиган байрамона кийим-бошлари ва касб-корига боғлиқ меҳнат қуроллари билан қўшиб кўмилган. Аёллар қабрига эса, ҳатто уларнинг бисотидаги тақинчоқларини ҳам қўшиб кўмганлар. Сардор қабрини очганимизда, у мана шу ҳудудда очилган 46 та қабрлардан фарқли ўлароқ, жуда бой бўлиб чиқди, яъни қабрдан 50 дан ортиқ ашё топилди. Уларнинг 17 таси унинг касбига алоқадор шахсий ашёлар бўлиб чиқди. Қадимги бобокалонларимизнинг тасаввурига кўра, одамзод ўлса-да, унинг руҳи ўлмайди. Энди у бошқа танада нариги «дунёда» яшайди ва ўз касбини у ерда давом эттиради деб, қабрига унга тегишли нарсаларни қўшиб кўмишган шекилли. Шунингдек, қабрдан 30 дан ортиқ турли хил сопол идишлар ҳам топилди. Уларда ҳайвон суякларини ёки қорайиб кетган қуюқ овқат қолдиқлари сақланган эди. Қабрга қўйилган идишлар сони марҳумнинг жамоадаги ижтимоий мавқеи ҳақида гувоҳлик беради. Чунки қабрдан топилган сопол идишлар марҳумнинг шахсий мулки бўлмай, балки назаримизда у идишларда унинг қабиладошлари томонидан марҳумга унинг руҳи нариги «дунёга» толиқмай, дадил етиб бориши учун ҳар хил овқатлар қўйилган. Демак, қабрда қанча идиш кўп бўлса, марҳумнинг ҳаётлигидаги ижтимоий ўрни ҳам шунча юқори бўлган кўринади.

Энди марҳум шахсий мулкининг таркибига келсак, улар қуйидагилардан иборат эди: 5 кв. м дан кўпроқ жойни эгаллаган, деярли доира шаклидаги лаҳадда боши шимолга қаратиб қўйилган 50 ёшлардаги эркак ўнг ёни билан оёқлари букилган ҳолда гужанак ётарди. Унинг қулоқ бўшлиғида бронза ҳалқа, яъни яқинида ҳукмдорлик белгиси—АСО (жезл)нинг зўғатали бронза қисми (зўғатада унинг ёғоч дастасидан парча сақланган), ундан 20 см лар чамаси нарида 6 бўлак нарса бир жойга қўйилган (бир бўлак лазурит хом ашё, 3 та тош қайроқчалар, бронзадан ишланган парма ва болғача). Улардан сал нарида бронза ханжар ва бронза коса ётарди. Лаҳаднинг тенг жанубий ярмини, яъни марҳумнинг оёқ томонини 30 дан ортиқ турли хил сопол идишлар, 2 та бронзадан ишланган косалар, сурмадон ва 2 та тўғнағич эгаллаган эди. Қабр буюмлари-

нинг таркибига қараганда, марҳум ҳаётлик чоғида уста заргар ва металлург бўлган кўринади. Чунки қабр тоқчасининг юқори қисмидан 3 та археологик бутун тигел парчалари топилиб, улар ушбу қабрга алоқадор ўспирин мазоридан чиққан эди. Ўспирин устознинг яқин шогирди бўлса керак. Қабр топилган хонани қазиб вақтида, деярли полга яқин маданий қатламдан мергелий тошидан ишланган муҳр ҳам топилганини ҳисобга олсак, ушбу уй-жой комплексини жамоа оқсоқолига тегишли эканлигига ҳеч бир шубҳа қолмайди.

Демак, 5-тепа шартли номи билан ўрганилган ушбу турар-жой массивини (агар уни қишлоқ ўрнида тасаввур этсак) бошлиғи (кад-худоси) бир вақтнинг ўзида нафақат жамоа сардори, балки диний устоз (муъбад) ҳамда заргарлик ва металлургия соҳасининг пири бўлган кўринади. Чунки кад-худо ҳовлисида оташпарастликка тегишли муқаддас сув рамзи қудуқ ва олов рамзи меҳробхонанинг жойлашиши унинг диний раҳнамолигидан белги бўлса, сардор қабрининг ўчоқ (муқаддас олов) қаршисида жойлашиши ўчоқнинг оташкада, эгаси кад-худо эканлигидан далолат эди, қабрдаги махсус ашёвий далиллар эса марҳум ҳунармандчиликнинг маълум бир йўналиши бўйича пир — устозлигини кўрсатади.

Шаҳристон ҳудудида ўрганилган яна бир ноёб объект 6-тепа бўлиб, уни қазиган вақтимизда у монументал меъморий комплекс қолдиғи — оташпарастларнинг ибодатхонаси бўлиб чиқди.

ИБОДАТХОНА

Оташпарастлар ибодатхонаси комплекси Арки аълодан 350 метрлар чамаси жануби-шарқда, Жарқўтоннинг энг баланд қисмида қад кўтарган. Қадимги меъморлар унинг ижтимоий ҳаётда тутган ўрнига кўра, ўз даврида, унга қайси томондан нигоҳ ташланмасин, салобати баралла кўзга ташланиб туришини ҳисобга олганлар. Чунки Арки аълода жойлашган ҳукмдорнинг кошона қасри — қароргоҳи ўзининг монументал бўйбастини билан қадимги шаҳарнинг кунботарида савлат тўкиб турса, худди ана шундай бошқа бир монументал бино — оташпарастлар ибодатхонаси, унинг кунчиқар томонида шаҳар ва атроф аҳоли пунктлари жамоаларининг муқаддас саждагоҳи сифатида кўзга ташланиб турган.

Бу монументал икки иншоот, бир томондан қадимги

шаҳарнинг диний ва дунёвий бошқарув тизимидаги асосий шаҳарсозлик маданиятининг кўрки бўлса, иккинчи томондан, ушбу йирик аҳоли пунктининг шаҳар деб аталишига мазмун ва маъно берган муҳим икки омил эди.

Жарқўтон ибодатхонаси тўғри тўрт бурчак шаклда (44,5 x 60 м), томонлари ёруғликка мослаштирилиб қурилган. Чор атрофи хом ғиштли қалин (4,5 м) мудофаа деворлари билан ўраб олинган. У икки қисмдан, яъни муқаддас саждагоҳ ва ибодатхона қошидаги хўжалик-хизмат қисмидан иборат. Комплексининг муқаддас саждагоҳ қисми унинг катта шарқий томонини (35x35 м) эгаллаган.

Ибодатхонаниннг саждагоҳ қисмида ёпиқ йўлаклар, мажусий оташпараст муъбодлар хонаси, муқаддас кулхона, ибодатхона хазинаси сақланадиган йўлаксимон хоначалар, кенг ва баланд тагкурси майдони ва унинг устида 4 устунли айвон, остида Бош оташгоҳ, очиқ ҳовли ва унда тор (0,80 м) тош йўлкача бўйлаб қудуқ ва доира шаклида ишланган оташгоҳлар жойлаштирилган. Тош йўлка очиқ ҳовлининг шимол томонида, ибодатхонаниннг иккинчи босқичида қудуқ устига ўрнатилган оташгоҳга бориб тугайди. Йўлканинг ғарбга томон бурилган тармоғи эса очиқ ҳовлининг ғарбида жойлашган муқаддас кулхонаниннг кириш эшиги олдида тугайди.

Ибодатхонага кириш дарвозаси комплексининг жанубига, унинг хўжалик-хизмат қисмига жойлашган. Илоҳий эътиқодни бўйича руҳини поклашга келган зиёратчилар, бизнинг тасаввуримизга кўра, дарвоза қаршисидаги очиқ ҳовлида ибодатхона хизматчилари томонидан кутиб олинган. Зиёратчилар ўз навбатида келтирган назр-ниёзларини уларга топшириб (чунки худди шу очиқ ҳовли шимолий томонида ибодатхонаниннг назр-ниёз сифатида оладиган ғалла омбори жойлашган бўлиб, қазимиша вақтида у хонадан қорайиб кетган бир талай бугдой донлари топилди), ўзлари бир хизматчи кузатувида, ибодатхонаниннг жанубий мудофаа девориссти бўйлаб усти ёпиқ йўлакка киришган. Унга кирaverишда, бўғизига қадар ерга кўмилган баркашдаги қандайдир суюқ ичимликдан танаввул қилишиб, гўёки, ўзларининг ички аъзоларини поклашган. Сўнг зиёратни давом эттирганлар. Зиёратчилар 25 метрли йўлакнинг охирида зинапоя орқали бошқа бир очиқ ҳовлига кўтарилиб, унинг ўртасига ётқизилган тош йўлка орқали ҳовлининг шимолий қисмида жойлашган меҳробни тавоф қилишган, сўнг саждагоҳнинг энг баланд қисми —

кенг супа устига қурилган бош оташкада — меҳроб томон кўтарилганлар. Бош меҳробда мангу олов ўчмаган ва уни тавоф қилиш билан оташпарастларнинг зиёрати яқунланган бўлса керак.

Эҳтимол зиёратчилар тош йўлканинг ўнг томонидан жой олган муқаддас қудуқлардан сув ичишгандир. Эҳтимол бош меҳробни тавоф қилиш олдидан оташкада муъбодлари иштирокида қандайдир диний маросимларни бажаргандирлар. Чунки, супа билан тош йўлкали очик ҳовли ўртасида квадрат шаклидаги чуқур хона топилди, у қалин тоза кул қатлами билан тўлғазилгани кўринди. Унинг кул қатлами кўздан кечирилганда, у ердан кўплаб сополдан ишланган меҳроб чироқларнинг синиқлари топилди. Бу хона муқаддас кулхона бўлиб, у ибодатхона меҳробларида ёнган олов куллари сақланадиган жой бўлса ажаб эмас. Ана шу кулхонанинг шимолий ва жанубий томонларида иккита хона очилиб, уларнинг бирининг шимолий деворида ўчоқ ва унинг деворлари бўйлаб эса супа жойлашгани кўринди. Бу хонани муъбодлар хонаси деб атадик.

Муқаддас саждагоҳнинг шимоли-шарқий бурчагида жойлашган 8 та тор йўлаксимон хоналар эса, амалда фақат ибодатхона хазиналарини сақлаш учун фойдаланилган бўлиши мумкин. Уларга кириш эшиги ибодатхонанинг мудофаа деворлари ости бўйлаб кетган йўлка орқали бўлган. Ана шу йўлка адоғи эса катта бир хона билан яқунланган.

Ибодатхонанинг шарқий мудофаа деворининг шимолий қисмида доира шаклда қурилган ягона бурж жойлашган. Унга йўлак томондан мудофаа девори ичидаги квадрат шаклдаги хона орқали ўтилган. Ушбу бурж оташпарастларни ибодатга чақириш буржи бўлса ажаб эмас, ёки у муқаддас олов сақлаш хонаси бўлган.

Энди ибодатхона қошидаги хўжалик-хизмат қисмига келсак, у комплекснинг тўртдан бир қисмини ташкил этади. Ибодатхонанинг хўжалик-хизмат қисмидан, юқорида эслатиб ўтилган ғалла омборидан ташқари, бронзадан митти буюмлар тайёрлаш устахонаси, муқаддас ичимлик тайёрлаш «цехи» ва уларни сақлаш омборлари топилди. Бу ишлаб чиқариш пунктлари ва уларга тегишли ашёвий далилларга қараганда, Жарқўтонлиларнинг дафн маросими билан боғлиқ бўлган барча юмушлар оташпараст муъбодлар назоратида бўлиб, уларнинг фаол иштирокида бажарилган кўринади.

Сополитепа ва Жарқўтонда олиб борилган археоло-

ғик дала тадқиқотларимиздан маълумки, Сополлитепа маданиятида дастлаб қабрларни ҳовли-жой ичига, уйларнинг поли остига ёки уларнинг деворлари тагига ва хонага кириш эшиги остонаси остига жойлаштириш кенг тус олган. Шунингдек, баъзи ҳолларда катта патриархал оила истиқомат қилаётган ҳовлининг харобага айланган қисми уруғ жамоаларининг хилхоналарига айлантирилган. Бундай ҳолларда қабрларга қўйилган меҳнат ва ҳарбий қурооллар кундалик ҳаётда фойдаланиб келинган яроқли қурооллардан иборат бўлган.

Бу манзарани кўп йиллик фаолиятимиз давомида Сополлитепа маданиятининг дастлабки (сополли ва жарқўтон) босқичларида бевосита кузатдик. Кўмиш маросими билан боғлиқ бўлган бу урф-одат ушбу маданиятнинг кўзали босқичидан эътиборан тубдан ўзгарди. Чунки, айнан худди шу даврда катта патриархал оила оташкадаларидан ташқари бутун бир шаҳар ёки шаҳар-давлат масштабида хизмат қилувчи монументал ибодатхоналар пайдо бўлдики, эндиликда улар жамиятнинг бошқариш тизимидаги асосий омиллардан бирига айланди, туғилиб келаётган дастлабки синфий жамиятнинг идеологик маркази, аҳолига руҳий мадад ва таскин берувчи бош саждагоҳ ташкил топди.

Дарҳақиқат, археологик материалларнинг қиёсий таҳлилига кўра, Жарқўтон ибодатхонаси милоддан аввалги XIV асрда қадимги қалъа ўрнида қад кўтарган. Айнан шу даврдан бошлаб жарқўтонликлар ҳаётида туб ўзгаришлар юз берган. Эндиликда ҳаётдан кўз юмган одамларни улар яшаган хоналарга кўмиш барҳам топиб, шаҳар ташқарисида алоҳида барча учун баробар қабристонлар пайдо бўлади. Масалан, Жарқўтон шаҳар харобасининг жанубида, юқорида таъкидлаганимиздек, қадимги шаҳардан ташқарида, бир неча табиий тепаларни эгаллаган, умумий майдони 20 г дан кам бўлмаган қабристон топилди. Уларда ўтказилган археологик изланишлар натижасида қўлга киритилган ашёвий далилларга қараганда марҳумларни яшаб турган ўз ҳовли-жойларига кўмиш урф-одати жарқўтон босқичининг сўнгги даврларида барҳам топган. Шунинг учун бўлса керак, Жарқўтон ва шу маданиятга тегишли бошқа ёдгорликларда очилган уй-жой массивларининг бирортасида ҳам на кўзали, на мўлали, на бўстон комплексларига оид биронта ҳам қабр учратилмади.

Иккинчидан, Сополлитепа маданиятининг сополли ва жарқўтон босқичларида бирор кимса оламдан ўтса,

анъанавий урф-одатга кўра, унинг қабрига, унинг ҳаёт-лик давридаги (аёлларнинг тақинчоқларидан ташқари) касб-корига тегишли меҳнат ва ҳарбий қуроолларини қўшиб кўмиш одат бўлган. Ундан ташқари дафн маросимига қатнашган ҳар бир оила номидан сопол идишларда марҳум қабрига суюқ ёки қуюқ овқат қўйилган. Мана шу анъанага кўзали босқичидан бошлаб, қатъий равишда баъзи бир тузатишлар киритилган, яъни агар қабрга қўйилган меҳнат ва ҳарбий қуроолларини авваллари асли қўйилиб келган бўлса, эндиликда улар ўрнига у қуроолларнинг махсус тайёрланган митти нусхалари қўйиладиган бўлган. Эҳтимол, бу ўзгаришлар у вақтда меҳнат қурооллари асосан бронзадан ясалгани учун металл хом ашёсини иқтисод қилиш билан боғлиқ бўлгандир. Эҳтимол, бу ўзгариш заминиди қандайдир диний-ғоявий маъно ётар? Ҳар қалай, бу ўзгариш айнан ўша давр оташпарастрлар мафкурасида патриархал оилавий оташкадаларнинг умумшаҳар ибодатхонаси даражасига ўсиб чиқиш жараёнида содир бўлган.

Учинчидан, умумшаҳар ёки маълум бир воҳа миқёсида монументал бош ибодатхонасининг шаклланиши муносабати билан оташпарастрлар мафкура оламида қандайдир ўзгаришлар юз беради. Масалан, марҳумни «нариги» дунёга кузатиш билан боғлиқ бўлган маросимлар эндиликда ибодатхона муъбодлари назоратида бўлиб, улар тартибга солган меъёрий ўлчамларда ўтказилган. Чунки ибодатхонанинг хўжалик-хизмат қисмини қозиш вақтида марҳумни дафн этиш билан боғлиқ баъзи бир масалалар ечимини ибодатхона ўз зиммасига олган кўринади. Бундай хулосага келишимизга қуйидаги далиллар ишора қилади:

1) Ибодатхонага кириш дарвозаси қаршисидаги очиқ ҳовли ёнидан махсус металлургия устахонаси очилди. Устахона шарқий деворига ёпиштириб (кенглиги 0,70 см, баландлиги 1 м) қурилган супа устига қатор (5 та) ўчоқчалар ўрнатилган. Ўчоқчаларнинг баъзи бирларида бронза хом ашёси эритиладиган тигел (қозон) парчалари топилди. Қозон тагида кўкимтир тус олган бронза эритмаси сақланган. Устахонанинг ғарбий деворига ёпиштириб (баландлиги 1 м) квадрат шаклда (1,5x1,5 м) қурилган яна битта супа очилди. Супанинг шимолий қисмига усти текис ёрғучоқ ~~қурилган~~ ~~Учинчи вақтда~~ бронзадан қандайдир асбоблар ~~қурилган~~ ~~улардан~~ гувоҳлик берувчи кўкимтир металл заррачалари солинган. Супа ёнидан чуқурлиги ~~метр~~ ~~қурилган~~ ~~очилди~~.

26. XII 2004

Устахона ичидаги маданий қатламни қазिश вақтида эса металл эритмасининг парчалари, металл шлаклар, бронза митти пичоқлар, болта, теша ва бошқа уй-рўзғор асбоблари топилди. Устахонадан топилган бронза предметлари орасида биронта ҳам хўжаликда ишлатилишга яроқли бўлган асбоб-ускуна учратилмади. Демак, ушбу устахонада фақат марҳумлар учун, уларнинг касб-корига мувофиқ буюртма бажарилган. Бошқача қилиб айтганда, жарқўтон босқичининг иккинчи ярмидан бошлаб қабрларда учратилаётган митти бронза предметлари марҳум эгалари томонидан унинг касб-корига кўра, махсус тайёрлатилган меҳнат ва жанговар қуроолларнинг намунаси бўлган.

2) Ибодатхона хўжалик қисмининг жануби-ғарбий бурчагида тенг иккига ажратилган йўлаксимон хона жойлашган. Уларни қазिश вақтида девор остидан лойдан ишланиб, куйдирилмай қизил рангга бўялган бир неча одам ҳайкалчалари топилди. Одатда бундай ҳайкалчалар кенатаф мозорларда (қадимда бедарак йўқолган қабиладошларининг майити ўрнига латтадан ясалган қўғирчоқ ёки лойдан ишланган ҳайкалча кўмиш, ёки бўлмаса, қабрга йўқолган эгаси ўрнига марҳум мулкидан қўзичоқ кўмиш одати бўлган. Мана шундай мозорлар, одатда, кенатаф мозорлар, деб юритилади) учратилади. Кенатаф мозорлар Сополлитепа маданиятининг илк босқичларида ҳам бўлган. Аммо, бедарак йўқолган марҳумлар учун махсус тайёрлаб қўйилган ҳайкалчаларни ибодатхонанинг «омборида» сақланиши марҳумларнинг «нариги» дунёга узатиш билан боғлиқ ишларни энди тўлиқ ибодатхона қўлига ўтиб кетганлигидан гувоҳлик беради.

Ибодатхона хўжалик-хизмат қисмини қазिश вақтида, унинг икки жойидан муқаддас ичимлик тайёрлайдиган «цех» излари топилди. Биринчи «цех» (ибодатхонанинг 2-босқичига тегишли) 9-хонани тўлиқ эгаллаган. Хона поли ва унинг деворлари оч-қизил юпқа гипс сувоқ билан сувалган. Хонанинг бир оз паясайтирилган қоқ ўртасига, бўғизига қадар полга кўмилган хум ўрнатилган. Хумга икки томондан қалин гипс сувоқли ариқчалар тортилган. Ҳар иккала ариқча бошида гипсланган чуқурчалар бўлиб, уларга сопол баркашлар қўйилган. Сопол баркашларнинг ичи ҳам ярмигача қатлам-қатлам гипс билан сувалган. Полга кўмилган хум тагида қорайиб қотиб кетган қандайдир суюқлик қолдиги, ушбу уруғлари ва жийда данаги уч-

ратилди. Хум яқинидан хумо қуши қиёфасида ишланган сопол идиш топилди. «Цех» ёнида яна бир хона (10) бўлиб, унинг деворлари остидан бир неча хумларнинг парчалари учратилди.

Агар 9-хона муқаддас ичимликлар тайёрлаш «цеҳи» бўлса, 10-хона «цеҳ» қошидаги омборхона бўлиши мумкин. Худди шунга ўхшаш бошқа бир «цеҳ» қолдиги ибодатхонанинг (3-босқич) 11-хонасидан топилди. Бу жойда хонанинг шимолий қисмини икки томони супа қилиб кўтарилган, унинг ўртаси эса пол сатҳида қолдирилиб, унга катта сопол баркаш ўрнатилган. Супалар устига думалоқ чуқурчалар ясалиб, уларни ичи гипсланган. Улардан сопол баркаш томон гипс сувоқли ариқчалар тортилган. Хонанинг жануби-шарқий бурчагидан қорнига қадар полга кўмилган хум топилди. Хонанинг қоқ ўртасига эса айлана шаклда қурилган меҳроб ўрнатилган.

Гарчи бу икки «цеҳ»да қандай ичимликлар тайёрланганлиги ҳақида гувоҳлик берувчи аниқ ашёвий далиллар бўлмаса-да, аммо уларда оташпарастрларнинг муқаддас ичимлиги тайёрланганлигига билвосита ишора қилувчи фактлар йўқ эмас. Масалан, қадимги Бақтриянинг жанубида (Шимолий Афғонистон) ҳамда қўшни Марғиёнада проф. В. И. Сарияниди бронза даври ёдгорликларида изланишлар олиб бориб, жанубий Бақтрия ёдгорликларининг учтасида (Дашли-3, Тиллатепа ва Қутлуқтепа) ва Марғиёнада уч жойда (Гонуртепа, Тўғолоқ-1 ва Тўғолоқ-21) оташпарастрларнинг ибодатхоналарини очган. В. И. Сарияниди Гонуртепада гипс сувоқли хона очиб, уни оташпарастрлик ибодатхонаси билан боғлайди. Шунингдек, ибодатхона қошидаги ёрдамчи хоналарнинг бири тўлалигича гипсланганлигини қайд этиб, унда (оқ хонада) эса кишини кайфиятини кўтарувчи муқаддас ичимликлар тайёрланган деган хулосага келади. Унинг бундай хулосага келишида қуйидагилар асос бўлган: 1) «оқ хона» девори остидан учта ичи қатлам-қатлам гипсланган сопол идишлар топилган. Уларни МДУ қошидаги махсус лаборатория текширувидан ўтказилганда, идиш ичидаги гипс қатламлари орасидан, кутилмаганда, эфедра шох излари ҳамда кўп миқдорда кўкнор ва наша уруғининг излари топилган (Сарияниди, 1993, 333-бет; яна ўша, 1992, 101—102-бетлар).

2) Худди шундай «оқ хона»лар Марғиёна воҳасининг бош ибодатхонаси Тўғолоқ-21да ва «қишлоқ ибодат-

хонаси» Тўғолоқ-1да ҳам учратилади. Бу хоналарда, худди Жарқўтон ибодатхонасида учратилганидек, таги тешик конуссимон идиш-сопол сузгичлар топилганки, улардан хаума ёки кишини кайфиятини кўтарадиган махсус ичимлик тайёрлашда фойдаланганлар. Жарқўтонда узумчилик бўлганлиги ҳақида гувоҳлик берувчи далилларни эслар эканмиз, бунга шубҳа қолмайди.

3) Жарқўтон ибодатхонасининг хўжалик қисми, умуман Жарқўтонда кўплаб учрайдиган меҳнат қуролларидан бири — қумтошлардан ишланган ҳар хил катта-кичикликдаги ёргучоқлару гранит ва чақмоқтошлардан ясалган уларнинг устки тоши — янғичлардир. Бу хилдаги қуроллар Даштги-3, Тўғолоқ-21, Тўғолоқ-1 ва Гонуртепада ҳам кўплаб топилган. В. И. Сарияниди уларнинг бир қисмини МДУнинг махсус лабораториясида бинокляр микроскоп ёрдамида текширтирганда, уларда кўкнор уруғининг заррачалари учратилган. Шунингдек, қорайиб кетган кўкнор уруғининг ўзи эса ибодатхона топилмаларидан бири, сиртига аниқ қилиб одам кўзлари туширилган найчасимон суяк ичидан топилган (Сарияниди, 1992, 89-бет).

В. И. Сариянидининг кузатувларига кўра, Марғиёна оташпарастларини диний маросимларида эфедра ёғидан тайёрланадиган муқаддас ичимлик — хаума билан бирга (ҳозиргача Ҳиндистон зардуштлари ўзларининг хаума типигаги махсус муқаддас ичимликларини тайёрлаш учун Эронга келиб, эфедра мойини олиб кетадилар) кўкнор ва ёввойи нашадан ичимлик ёки чекимлик тайёрлаш ва улардан диний эътиқод меъёрлари даражасида фойдаланганлар. (Сарияниди, 1992, 89—90-бетлар).

Шундай қилиб, қадимги Бақтрия ва Марғиёнада топилган бронза даврининг оташпарастлар ибодатхоналари зардуштийлик динининг илдиэлари айнан мана шу вилоятларда яратилганлигидан гувоҳлик беради. Тўғри, баъзи бир фаразларга кўра, Зардушт милоддан аввалги VII асрнинг иккинчи ярми ва VI асрнинг бошларида ёки ундан аввал яшаган тарихий шахс сифатида янги динни яратмади, балки у қабиладошлари қадимдан топиниб келаётган оташпарастлар динини ислоҳ қилди. Бошқача қилиб айтганда, у эски диний эътиқод ва тасаввурлар тизимига ўзгариб бораётган замон талаби асосида ўз қарашларини, концепциясини киритди.

Қадимги Бақтрия ва Марғиёнанинг бронза даври оташпарастлар ибодатхоналаридан кўриниб турибдики,

Зардуштга қадар бунёд этилган диний эътиқод масканлари ўзларининг монументал маҳобати ва диний маросимларининг бой ва серҳашамлиги билан ажралиб турган. Эфедра, кўкнор, наша каби гиёҳванд ўсимлик қолдиқларини ибодатхона комплексларида кўплаб учраши Авесто ва Веда анъаналарида хаума ичимлигига меъёрий ўлчамларда ўрин беришга олиб келганлигидан далолат беради. Ишонч билан айтиш мумкинки, Марғиёнада Зардушт ислоҳига қадар оловга топиниш ва хаума ичимлигини илоҳийлаштириш кучли бўлган. Бу эътиқод объектлари Зардушт таълимотида ҳам ўзгариб бораётган замон талаби асосида ўз ўрнини топган.

Шундай қилиб, юқорида баён этилган археологик изланишлар ва қазिशмалар жараёнида топилган ашёвий далиллар таҳлилидан келиб чиқиб, қуйидаги якуний хулосага келиш мумкин:

1) Ўзбекистон Республикасининг жанубий вилоятларида милoddан аввалги 2 нчи минг йилликнинг биринчи ярми давомида қадимги шарқ цивилизациясига хос тарихий шаройтда юксак ривожланган қадимги илк шаҳар маданияти таркиб тонди. Ушбу қадимги шаҳар маданиятининг иқтисодий, ижтимоий ва маданий асослари Сурхондарё вилоятининг Шеробод воҳасида қад кўтарган ноёб ёдгорликлар — Сополлитепа ва Жарқўтон мисолида ўрганилди.

2) Агар Сополлитепа ўзининг қадимги шаҳарсозлик маданиятига хос барча аломатлари билан протошаҳар, яъни Авестода тилга олинган вара иншоотини эслатса, Жарқўтон ёдгорлиги Ўзбекистон ҳудудида биринчи бор шаклланган том маънодаги қадимги шаҳар эди. Жарқўтон қадимги Шарқ шаҳарларидан таркибий жиҳатидан фарқ қилмайди.

3) У ёки бу ёдгорликни қадимги шаҳар деб аталиши учун қўйиладиган илмий талаблардан келиб чиқилганда ҳам Жарқўтон у талабларга жавоб бериши мумкин бўлган ноёб ёдгорликдир. Қадимги шаҳарларга хос бўлган биринчи аломат — шаҳар майдонида арки аъло ва шаҳристони таркиб топган бўлиши лозим бўлса, Жарқўтонда бу содир бўлган, яъни 100 гектарли Жарқўтонни 3 гектари арки аъло ва қолган қисми шаҳристон майдонини ташкил этади.

Иккинчи аломат — ўтроқ деҳқончилик маданияти аҳолиси зич жойлашган маскан мудофаа деворлари билан ўраб олинган бўлиши Сополлитепа ва Жарқўтонда ўзининг ёрқин ифодасини топган.

Учинчи аломат — шаҳар арки қисмида монументал маҳобатли бинони, яъни умумшаҳар жамоалари бошлиғининг қароргоҳининг таркиб топиши Жарқўтонда ўз аксини топган.

Тўртинчи аломат — шаҳар майдонида барча учун баробар хизмат қилувчи бош саждагоҳ — диний мафкура маркази шаклланган бўлиши. Жарқўтонда шундай бош саждагоҳ — маҳобатли монументал ибодатхона таркиб топган.

Бешинчи аломат — қадимги шаҳарда ҳунармандчиликнинг турли тармоқларини профессионал даражада таркиб топган бўлиши. Сополлитепа ва Жарқўтонда бу йўналиш юксак даражада ривожланган. Айниқса, Жарқўтонда кулолчилик (бу соҳа Сополлитепада ҳам юксак ривожланган), металлургия, тўқимачилик, амалий санъат, уй-жой қурилиши соҳалари бўйича ихтисослашиш жараёни профессионал даражада бўлганлиги яққол кўзга ташланади.

Шаҳар ҳунармандчилик маҳсулотлари нафақат ички бозор, балки ташқи бозор учун ҳам кенг кўламда ишлаб чиқарилган. Масалан, ушбу қадимги шаҳар маданиятига тегишли кулолчилик маҳсулотларини узоқ Хитой ҳудудларигача кириб борганлиги ҳақида гувоҳлик берувчи ашёвий далиллар мавжуд. Демак, бу ўша давр шаҳар аҳолиси таркиби ҳақида фараз қилишга ишора бўлиб, қадимги Жарқўтон шаҳар аҳолиси эркин деҳқон жамоалари — кашоварзлардан ташқари шаҳар ҳунар ва савдо аҳлидан ҳам иборат бўлган. Шаҳар ҳаёти нафақат диний, балки дунёвий жиҳатдан ташкил этилган бошқарув тизими асосида қурилган. Шаҳар ҳукмдорининг монументал кошонасининг арки аълода шаклланиши бунга далолатдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. *Каримов И. А.* Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Тошкент, 1998.
2. *Дьяконов И. М.* Города-государства Шумера. История древнего мира, том 1, Москва, 1983 г.
3. *Дьяконов И. М.* Ранние деспотии в Месопотамии. История древнего мира, том 1, Москва, 1983 г.
4. *Adams R.* Heartland of Cattles, Chicago, 1981.
5. *Чайлд Г.* Древнейший Восток в свете новых раскопок. Москва, 1956 г.
6. *Домокош Варга.* Древний Восток. Будапешт, 1979 г.
7. Авеста: избранные гимны. Перевод с авестийского и комментарии профессора И. М. Стеблин-Каменского. Душанбе, 1990 г.
8. *Мэри Бойс.* Зороастрийцы: верования и обычаи. Москва, 1987 г.
9. *Аскарлов А.* Древнеземледельческая культура эпохи бронзы юга Узбекистана. Ташкент, 1977 г.
10. *Аскарлов А., Широков Т.* Ранняя городская культура эпохи бронзы юга Средней Азии. Самарканд, 1993 г.
11. *Аскарлов А., Широков Т.* Древнебактрийский храм огня в Южном Узбекистане. Сб. Градостроительство и архитектура. Ташкент, 1989 г.
12. *Аскарлов А., Абдуллаев Б.* Джаркутан. Ташкент, 1983
13. *Массон В. М.* Алтын — Дене. Ленинград, 1981 г.
14. *Массон В. М.* Экономика и социальный строй древних обществ (в свете данных археологии). Ленинград, 1976 г.
15. *Рахманов У.* Керамическое производство эпохи бронзы южного Узбекистана. Автореф. на соискание канд. истор. наук. Самарканд, 1987 г.
16. *Сарианиди В. И.* В поисках страны Маргуш. Москва, 1993 г.
17. *Сарианиди В. И.* И здесь говорил Заратустра. Москва, 1992 г.

АҲМАДАЛИ АСҚАРОВ

ЭНГ ҚАДИМИЙ ШАҲАР

Тошкент «Маънавият» 2001

Муҳаррир М. Мансуров

Бадий муҳаррир С. Аъзам

Техн. муҳаррир Т. Золотилова

Мусаҳҳиҳ Ш. Илҳомбекова

Терияшга берилди 02.03.01. Босишга рухсат этилди 28.03.01. Бичими 84×108^{1/32}. Литературная гарнитураси. Юқори босма усулида босилди. Шартли б.т. 1,26. Шартли кр-отт. 1,68. Нашр т. 1,23. 2000 нуска. Буюртма №35. Нархи шартнома асосида.

«Маънавият» нашриёти. Тошкент, Буюк Турон, 41-уй, Шартнома 13—01.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг Тошкент китоб-журнал фабрикасида чоп этилди. Тошкент, Юнусобод даҳаси, Муҳаммад кучаси, 1-уй. 2001.